


Машҳура УСМОНОВА



ЯНА УЧРАШАМИЗ

Шеърлар



"Фаргона" нашриёти - 2005


84(59)6-5 Бадийий эдобиёт

Машхура Усмонова 1990 йилда тугилган.
Учкўрган шахридаги Й.Охунбабаев номли 1-ўрта
мактабнинг 10-синфида ўқийди.

"Опоқ кабутар" номли ҳикоялар китоби
нашрдан чиққан.

Машхура Усмонова.
Яна учрашамиз. (Шеърлар).
"Фарғона" нашриёти, 2005, 24 бет.

© М.Усмонова, "Фарғона" нашриёти



ҚИШЛОҒИМ

Қишоғимнинг ҳавоси
Минг бир дарднинг давоси.
Тонг сахар қулоқ тутсам
Ҳавонинг бор навоси.

Қишлоғим саҳоватли
Боғларидан оқар бол.
Далалари ҳосилдор
Бу ҳам катта бахт, иқбол.

Кексалари донишманд
Маслаҳатгўй, талабчан.
Ёшлар таъзимда доим
Койисалар ҳам гарчанд.

Эркаклари мард, танти,
Эъзозлайди аёлин.
Аёллар садоқатда
Барчин, Зухра мисоли.

Сизга айтсам, қишлоқнинг
Бор бир нозик томони.
Бу ерда ҳамма яхши
Йўқ одамнинг ёмони.

Ҳаттоки ёмони ҳам
Ёмонларнинг яхшиси.
Армоним йўқ, бўлолсам
Шу қишлоқнинг бахшиси.

ЎЗБЕК ЭЛИМ

Эл кўксига тош отма зинҳор,
Ўз бошингга келиб тегар у.
Ва йиғларсан бўлиб хору зор,
Ватанфуруш тақдиридир бу.

Эр йигитлар, эр бўлса агар,
Ватан дея берар жонини.
Ахир сотқин бўлгандан кўра,
Минг бор яхши тўкса қонини.

Шу заминдир, шу ватан ахир,
Боболардан мерос бизларга.
Қаҳр қилмай меҳр қилсанг гар,
Гул ёгилар босган изларга.

Бу тупроқда не-не зотларнинг,
Ташлаб кетган буюк изи бор.
Темур бобом шижоатию,
Шоҳ Машрабнинг ўтли сўзи бор.

Ўзбек эли қуламас энди,
Илдизлари мозийга ботган.
Ўзгандан нон сўрамас энди,
Зулмат узра тонглари отган.

Ҳей, элимга тош отма зинҳор,
Ўз бошингга келиб тегар у.
Кўзларингдан ёш оқар зор-зор,
Ватанфуруш тақдиридир бу.

ШЕЪРЛАРИМ СИЗГА

Баҳорий гулдайман, эмасман мангу,
Бир куни очилиб, тўкилмоғим бор.
Ёшлик куйин чалиб турса-да чолғу,
Умримнинг баҳори келмайди такрор,
Мендан қолса, сизга шеърларим қолур.

Тухфа этолмайман сизга бойлик-зар,
Ё кўклар бағрини қучолмагайман.
Ҳаёт чархпалаги айланар аста,
Сизлардан шунчаки кечолмагайман,
Фақат мендан сизга шеърларим қолур.

Балки ишқ рўмолин ўрарман бир кун,
Ё кетиб қоларман кимсасиз чўлга.
Эҳтимол бургутдай қанотим ёзиб,
Олислаб кетарман адоғсиз йўлга,
Шунда мендан сизга шеърларим қолур.



"ТОШГА ЁМҒИР ҚОР ҚИЛАРМУ"

Билгин, менсиз кулмагай тонгинг,
Баҳор қалбинг эшигин очмас.
Ишқ сўзламас ширин эртақлар,
Йўлларингга биров гул сочмас.

Дема, ёмғир юзларим ювар,
Ёғса, сен-чун ёғмагай ёмғир.
Ҳатто сабо йўқламас сени,
Чунки бағринг қаттиқ, тошбағир.

Эссиз сенга ишқим гуллари,
Дил мулкига ёғди оппоқ қор.
Қайноқ ҳислар муз бўлиб қолди,
Эрирмикан келганда баҳор.



ҚҰШИҚ

Тоғларда бир құшиқ бор,
Эзгуликнинг тимсоли.
Келинчақдай товланар,
Унинг гўзал хаёли.

Тоғлардаги құшиққа,
Ишқ кулади қиқирлаб.
Тоғ бошига чиқинг-да,
Ўша ишққа қўйинг лаб.

Тоғлардаги құшиқнинг,
Сочларига осилдим.
Қордай ёғиб бағрига,
Пойларига сочилдим.

Тоғлардаги құшиққа
Кўнгил бўлди шунча зор.
Шу құшиққа умрбод,
Нетай, бўлиб қолдим ёр.

Тоғлардаги құшиғим,
Юрагимнинг құшиғи.
Билсанг телба, бу кўнгил,
Чўққиларнинг ошиғи.

Тоғлардаги құшиғ-ей,
Олисларга олиб кет.
Майли, кўнглим, розиман,
Сен чўққида қолиб кет.

АТИРГУЛ

Тонгги шабнам шодаларига,
Ол юзини ювар атиргул.
Ишқ ҳақида бир кўшиқ куйлар,
Гул шохига қўнганча булбул
Атиргул, атиргул, атиргул.

Сен ҳовлимга сочилган ёғду,
Шохларингга қараб тўймасман.
Ўзинг борсан-дилда йўқ қайғу,
Эзгуликни ҳар дам сўйлайман
Атиргул, атиргул, атиргул.

Илҳомимнинг париси ўзинг,
Юзларингга боқсам кифоя.
Айтмасанг-да бирорта сўзинг,
Шу туришинг шеъримга доя.
Атиргул, атиргул, атиргул.



УМРИМ

Умрим...

Эзиб ёғаётган ёмғирга ўхшар,
Ҳасрат дунёсига чўкиб қолган у.
Хазонлар устига кўз ёш тўкмоқда,
Тўкилмоқ, наҳотки тақдир эди бу.

Умрим...

Кетди болаликнинг беғам кунлари,
Ташвиш елкамизда қуриб олган ин.
Ҳаётнинг сўқмоғи паст-баланд экан,
Қадам босмоқ унда шунчалар қийин.

Умрим..

Ҳали сенинг кузинг келганича йўқ,
Шу сабаб хазонга қўйма бошингни.
Юлдуздай порламоқ истасанг агар,
Кўрсатма ҳеч кимга кўзда ёшингни.

Умрим..

Ҳали гуллар каби очилмоғинг бор,
Ташвишлар шунчаки бир синов холос.
Тўкилма, нур каби сочилмоғинг бор,
Биргина ишончга қўёлсанг ихлос.
Умрим!



БАҲОР

Чекинди ортига қиш қаҳратони,
Бўйларини чўзиб чиқди бойчечак.
Майсалар юзида шодлик қиқирлар,
Табиат товланар гўё келинчак.

Минг бора таъзимлар, минг бора қуллуқ
Этакларинг гулга тўлдириб келдинг.
Мудраган кўзларда гўё бўлиб нур,
Уйғотиб барчани шамолдек елдинг.

Қара, эркаланиб гуллади бодом,
Гулпараст боғларда ажиб бир виқор.
Дилларга шодликнинг уруғин сочган,
Ассалом баҳорим, хуш келдинг баҳор!

ХАЙР, БОЛАЛИК

Гунча лабим, лабингга босдим,
Юрагимда юз очган гулим.
Теграмизда айланар баҳор,
Оҳ, бу боғлар бунчалар сўлим.

Дарё тўлиб оқаркан бу пайт,
Хайр, дея қолди бебошлик.
Гул кўнглимга бир ҳисни солди,
Бунчалар ҳам гўзалсан ёшлик.

Хайр дейман, хайр шўхликлар,
Энди сизлар ширин хотира.

Ўн олтига тўлибман қаранг,
Туйғуларим соҳир, бокира.

Онам айтган эртақлар хайр,
Қўл силкитиб оқ йўл тилангиз.
Мен малика бўлиб ўтайин,
Яратгандан шуни сўрангиз.

ЯНА УЧРАШАМИЗ

Камалак рангидай тусланар кўнгил,
Кўзларимга сиғмас булутли осмон.
Гарчи йиғласак-да осмондек бугун,
Азизим дунёда бўлайлик омон.

Фақат тоғ учрашмас дерлар тоғ билан,
Биз ахир инсонмиз, тошмасмиз, билгин.
Майлига олисда бўлсак-да ҳамон,
Ўксима яйрагин, ўйнагин, кулгин.

Вақт келиб кўзлар ҳам учрашар такрор,
Тўйиб сўзлашамиз биз унсизгина.
Йўллларингга билгин ҳамон интизор,
Камалакни севиб қолган қизгина.

ОРЗУ

Чорлар мени бир ёрқин юлдуз,
Самоларда кўз қисиб, кулиб.
Сен ҳам мендек бўлгин дегандек,
Эркалайди узоқдан туриб.

Хаёл аста у томон учар,
Гўёки у боболар руҳи.
Дерлар кўкка талпиниб яша,
Юксакликда умр шукуҳи.

Оҳ, кўкларда чорлаган орзу,
Қўлларингни бергин, тутайин.
Гар яшасам, ёруғ дунёдан
Юлдуз каби порлаб ўтайин.

КУЗ

Куз келди...
Хазонлар тўкилди,
Тўкилди ҳасратнинг хаёли.
Кетмонин тутганча ўй суриб
Келади бир қишлоқ аёли.

Куз келди...
Сокинлик уйғонди.
Япроқлар бош қўйди тупроққа.
Олислаб кетмоқда муҳаббат...
У қандай чидаркин фироққа
Куз келди...

ОТАМ

Йўлингизга шамчиروқман тунлари,
Нурга тўлиб ўтсин дейман кунлари,
Ойдан оппоқ бўлсин доим йўллари,
Меҳнатларда тобланганим отам-а.

Елкангизда офтоб нури тўлғонар,
Тонг ҳам ҳатто сизни кўриб уйғонар,
Майсалар ҳам меҳрингизга чўлғонар,
Меҳнатларда тобланганим отам-а.

Кўзларимда кўзларингиз сурати,
Омон бўлинг оиламиз давлати,
Сиз-да ахир қизингизнинг савлати,
Меҳнатларда тобланганим отам-а.

Юракларда армонлари бўлмасин,
Тилагим шу - паймонаси тўлмасин.
Эй Аллоҳим, отажоним ўлмасин,
Меҳнатларда тобланганим отам-а!



ОНАЖОНИМ

Тунда туриб аллалар айтган,
Онажоним сизга минг таъзим.
Қалқиб кетсам елкасин тутган,
Сиз ўзингиз менга муаллим.

Қўлларингиз худди гул мисол,
Эркалайди бошини силаб.
Кўп эртақлар сўзлагансиз сиз,
Онажоним доим эркалаб.

Меҳрибоним омон бўлингиз,
Борлигингиз нурларга тўлсин.
Бу дунёнинг барча шодлиги,
Онажоним сизники бўлсин.

Онажоним сизга минг таъзим.



ТУН

Тун...

Сокинлик бағрини бузиб,
Куй чалади аста чигиртка.
Осмон юзи зулматга чўмган,
Тун париси ҳукмрон бека.

Кўзларимнинг қорачиғидай,
Атроф жимлик бағрига инган.
Табиатнинг бор шовқинлари,
Гўё менинг қалбимда синган.

Қўлларимдан етаклаб олди,
Рўмолини қўлимга тутиб.
Юрагимга бир азоб солди,
Тун париси йўлларим кутиб.

Ухлолмадим кўзда уйқу йўқ,
Юрак шеър деб тўлғонар, нетай.
Тун париси, қўлим қўйвормай,
Олиб кетгин, сен билан кетай.

Ахир шоир бўлмоқ осонмас,
Кўнгил гулдай тўкилар бунда.
Мен азобсиз яшамоқчиман,
Ором олиш истайман тунда.

Бу қайсар тун ҳамон ҳукмрон,
Юрагимда бир безовталиқ.
Ёзилмаган оқ қоғоз билан,
Тонг оттирмақ оғир шунчалиқ.

ИНСОНМИСАН, ИНСОНДАЙ ЯША

Дейдиларки жондан кечмасанг,
Жон қайдаю жонона қайда.
Шундай экан интилмаса ким,
Бошин эгиб қолар ҳар жойда.

Гар варақлаб очмаса китоб,
Атрофга ҳеч сочилмагай дур.
Илм излаб жон чекмаганнинг,
Кўзларида порламас ҳеч нур.

Инсонмисан, яша инсондай,
Умр асли ўткинчи, рўё.
Ўқиб, излаб, ўзингни топсанг,
Сеникидир ҳар икки дунё.

АЛЛА АЙТАЁТГАН ОНАГА

Алла айтар она бешикни қучиб,
Мунгли кўзларида халқа-халқа ёш.
Осмон унинг кўзига ўхшайди мудом
Юлдузлар-самога сочилган бардош.

Бу надир? Ёлғизлик? Хиёнат? Алдов?
Нечун алла сизга омухта қайғу?
Нечун онажони қайғуга ботган,
Гўдак кўзларига келмайди уйқу.

Ўзингни қўлга ол, муштипар аёл
Кўз-ёшингни тийсанг нима қилади?
Гўдагингга ўргат қандай кулишни
Йиғлашни сенсиз ҳам ўзи билади.

ЮРАК

Дардкашим ким ёруғ дунёда,
Қўлимдаги қаламим, сенми?
Қор тагида муз бўлиб қолган,
Ҳей бечора аламим, сенми?

Мажнунтолнинг шохлари эгик,
Айтсам дардим кўтара олмас.
Чўққиларга айтмоқчи бўлдим,
Тоғлар мени назарга илмас.

Дарё суви шўх оқар, билдим,
У ҳам шодлик куйчиси фақат.
Оҳ нетайин кун сайин ўсиб
Юрагимда бўй чўзар нафрат.

Ахир сенга сизгиниб келдим,
Дардларим ҳам бир сенга керак.
Мингта жонинг омон бўлсин-да,
Кўксимдаги жонсарак юрак!

АЛВИДО

Умр ўтар, ўтади йиллар,
Соғинчларга қўлларим тутгум.
Вақт келади саратонларда,
Муз айрилиқ зардобин ютгум.

Сен кетарсан, юрак бемажол,
Ғам косасин лабимга тутар.

Унутгандай мен ҳам барчасин,
Соғинч, умид мени унутар.

Ортимизда йиғлаб, мўлтираб,
Севги аста эгиб қолар бош.
Ортга энди қайрилиб боқма,
Бахтли бўлгин, майли, бағритош.

ОҚ ШЕЪР

Осмон...
Бургут мисол бағрингда учай,
Қучоғингга олгин бир зумга.
Парвоз қилмоқ истайди кўнгил.

Осмон...
Булутларинг ёғдир бошимга,
Оқ булутдан ўратгин рўмол.
Қўшиқ бўлмоқ истайди кўнгил.

Осмон...
Юлдузларинг тўккин қўйнимга,
Бўйгинамга илиб қўй маржон
Юлдуз бўлмоқ истайди кўнгил.

Осмон...
Бир кафтгина муҳаббатинг бер,
Суйганимнинг қалбида мангу,
Армон бўлмоқ истайди кўнгил.

Осмон...

ТАШРИФ

Мен бахтимдан энтиккан замон,
Орзуларим синди-ку ёмон,
Юрагимга қўл солди армон,
Кўзларимдан хунларим келди.

Хайрат эдим, ҳасратда қолдим,
Мен бор эдим, изсиз йўқолдим,
Жабрингдан-да шунчалар толдим,
Бахт йўқ, деган унларим келди.

Олисроқсиз мендан кун сайин,
Фурур қўймас, келмайсиз, тайин.
Келмасингиз билгандан кейин
Тонги отмас тунларим келди.

ИЛТИЖО

Қўй, менга бунчалар тикилма,
Гул каби титраниб тўкилгум.
Кўзларинг кўзимга қадалса,
Тупроқдай пойингга йиқилгум.

Сўрама бевафо дунёдан
Вафонинг нелигин - лоф урар.
Севгининг залвори оғир-а,
Бир бошга минг кулфат келтирар.

Қўй, менга тикилмай кетавер,
Қон тўла кўксимга урма ниш.
Айрилиқ сабоғин эй юрак,
Ўрганиш керакдир, ўрганиш.

Бас, менга бунчалар тикилма...

ТОПОЛМАЯПМАН

Меҳр қайлардадир ётиб қолдим,
Кетиб, музликларда қотиб қолдим,
Лоқайдлик лойига ботиб қолдим
Ё кўзим кўр бўлди, тополмаяпман...

Оламга боқаман, дардим бир олам
Биров сўрамайди: қалбингда не ғам?
Кўнгил кўчасида дайдиб изладим
Бу қандай кор бўлди, тополмаяпман...

Бир одам кўринди тамом қоп-қаро
Боқдим афсус инган киприклар аро.
Кўзларим, танидинг уни. Бу ўша -
Меҳр-оқибату ишқдан мосуво.
Йўқ эди, бор бўлди, тополмаяпман...

ИШҚ

Бир ғалаён тушди кўнглимга
Ишқ дегани шу бўлса керак.
Дунё бунча экан дилрабо,
Иқболидан питирлар юрак.

Ўзни Мажнун атаган инсон
Дил очдию кетди ҳаловат,
Энди уни кўрмаган кунлар
Юрмоқ қийин соғу саломат.

Шу ишқ берди тотли лаҳзалар,
Изҳор бўлди аҳду паймонлар.

Кейин голиб чиқиб алдовлар
Ишга тушди минг пушаймонлар.

Афсус, ишқ не, ҳавас нелигин,
Кеч англадим дўстлар фарқини
Мен тақдирга кўндим, юрак - йўқ,
Тотар мудом шу ишқ “завқи”ни.

ИЗЛАДИМ

Изладим азизим, тунлари,
Топмадим армонлар ичиндан.
Айт, яна қанчалар қидирай,
Излайин яна қай кўчадан.

Товонинг остида эзилган,
Тупроқдан лой бўлди киприклар.
Баҳорлар ҳеч бизга кулмади,
Қонимиз сурди-ку, зулуклар.

Ой чиққан қиш туни йиғладим,
Кўкларга чирмашди оҳ-воҳим.
Баҳорга етар кун ҳам борми,
Қаҳратон битарми, Аллоҳим?!

Биз кетдик...
Хувиллаб қолди бу боғлар.
Кўз ёш тўлиб йиғлар бева бир дарахт.
Ишқимиз шамолдай тебранди.
Изғиринда қолган вужудлар карахт.
Ёлғонлар... Ёлғонлар... Ёлғонлар..

Товонлар остида гуллади,
Нетайлик азизим иккимиз,
Бу сўлим боғларга сиғмадик.
Биз кетдик...

ИШҚ АЛДАМЧИ

Ҳасрат дунёсига тўкилдим,
Тўзгидим...
Қоп-қора сочларим каби.
Билдим ишқ дегани рўё, алдамчи,
На-да ишқ, шу ёруғ дунё алдамчи.

Йўқса баҳор бўлиб келарму умр,
Йўқса...
Япроқдай сочиларму атрофга.
Ана хазонлар ичида ётибди юрак,
Айтинг ахир энди у кимга керак.

Ортимга қарашга кўрқаман,
Даҳшат...
Ўтаётган умрим тубсиз бир жарлик.
Орзулар йиғлайди азоб бағрида,
Қолиб кетгандайин хўрлик қаърида.

Кетди-я, хун-бийрон йиғлаган умид,
Кўр бўлди...
Кўнглимнинг тубсиз кўзлари.
Гуллармикан энди унда бир майса,
Қани эди гулдай ишқим гулласа.

Билдим ишқ дегани рўё, алдамчи,
На-да ишқ, шу ёруғ дунё алдамчи.

МУНДАРИЖА

| | |
|--------------------------------|----|
| Қишлоғим..... | 3 |
| Ўзбек элим..... | 4 |
| Шеърларим сизга..... | 5 |
| “Тошга ёмғир қор қиларму”..... | 6 |
| Қўшиқ..... | 7 |
| Атиргул..... | 8 |
| Умрим..... | 9 |
| Баҳор..... | 10 |
| Хайр, болалик..... | 10 |
| Яна учрашамиз..... | 11 |
| Орзу..... | 12 |
| Куз..... | 12 |
| Отам..... | 13 |
| Онажоним..... | 14 |
| Тун..... | 15 |
| Инсонмисан, инсондай яша..... | 16 |
| Алла айтаётган онага..... | 16 |
| Юрак..... | 17 |
| Алвидо..... | 17 |
| Оқ шеър..... | 18 |
| Ташриф..... | 19 |
| Илтижо..... | 19 |
| Тополмаяпман..... | 20 |
| Ишқ..... | 20 |
| Изладим..... | 21 |
| «Биз кетдик»..... | 21 |
| Ишқ алдамчи..... | 22 |

Машҳура Усмонова

ЯНА УЧРАШАМИЗ

Шеърлар

Муҳаррир: *Дилором*
Техмуҳаррир: *Н.Жабборов*
Мусахҳиҳ: *М.Эргашева*

09.09.2005 йилда теришга берилди. Босишга 23.09.2005 йилда рухсат этилди. Бичими 60x84 1-16. Ҳажми 1,5 босма табоқ. 6103-бўртма. Адади 1000 нусха. Баҳоси келишилган нархда.

“Фаргона” нашриёти.

712014. Фаргона шаҳри, Соҳибқирон Темур кўчаси, 28-уй

Ибрат номли босмахона ОАЖ. (Наманган шаҳри, Навоий кўчаси, 36-уй) да чоп этилди.